

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Турсунов Иброхимжон Тургунович**

**Пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш мақсадида  
сепаратор ишчи органларини такомиллаштириш**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Турсунов Иброхимжон Тургунович</b> Пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш мақсадида сепаратор ишчи органларини такомиллаштириш.....	3
<b>Турсунов Иброхимжон Тургунович</b> Совершенствование рабочих органов сепаратора с целью сохранения первоначальных качественных показателей хлопка.....	23
<b>Tursunov Ibrohim</b> Improvement of the working bodies of the separator in order to preserve the original quality indicators of cotton.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ ИБРОХИМЖОН ТУРГУНОВИЧ**

**ПАХТАНИНГ ДАСТЛАБКИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ  
САҚЛАШ МАҚСАДИДА СЕПАРАТОР ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1348 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саримсаков Олимжон Шарифжанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мадумаров Илхом Дадаханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маҳкамов Анваржон Махаматхонович**  
PhD доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_25\_” сентябрь\_ соат 14:00\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти 3- бино 2-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (410-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2021 йил “\_13\_” сентябрь\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_13\_” сентябрь\_даги №49-рақамли реестр баённомаси).

**Р.М.Мурадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Х.Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори

**Қ.Холиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича табиий хомашё, хусусан, пахтадан тайёрланган тўқимачилик ва енгил саноат махсулотларига махсулотларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши сабабли, жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талаб йилдан-йил ортиб бормоқда. Аммо, турли иқтисодий ва экологик муаммолар таъсирида пахта экиладиган майдонлар ва сув ресурслари тобора қисқариб бораётир. Шундай ноқулай иқтисодий шароитда пахта толаси ишлаб чиқарувчилари учун пахта хосилдорлигини интенсив равишда ошириш, пахта хомашёсига ишлов бериш жараёнларида унинг нобудгарчилигини камайтириш, тайёр махсулот истеъмол хусусиятларини яхшилаш ва таннархини камайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида ҳар йили 23-24 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилиб, унинг йиллик истеъмоли 24,5-25,0 млн тоннани ташкил этмоқда ва етишмаган тола ҳажми хомашё захиралари ҳисобига қопланмоқда<sup>1</sup>. Шунинг учун, жаҳон миқёсида пахта етиштириш қишлоқ хўжалигининг истиқболли тармоқларидан бирига айланган ва нафақат асосий ишлаб чиқариш, балки хомашёни пневмотранспорт билан ташиш, хусусан, пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш каби иккиламчи жараёнларни такомиллаштириш орқали пахта махсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш масалалари соҳанинг бугунги аҳволи ва истиқболини белгилаб берувчи масалалар даражасига кўтарилган.

Республикамизда пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилиш орқали ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва пахтани чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли ва паст таннархга эга бўлган, кенг ассортиментдаги тўқимачилик ва енгил саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон бозорига хомашё эмас, балки тайёр махсулот чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, мамлакат Президенти томонидан "...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш" масалалари барча турдаги махсулот ишлаб чиқарувчилари учун энг муҳим масалалар сифатида белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, пахта пневмотранспорти ускунасининг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмаси тўрли юзаси ва сидиргичининг юқори самара берувчи конструкцияларини яратиш ва параметрларини асослаш орқали пахта махсулотлари дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва таннархини пасайтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш

---

<sup>1</sup>The ICAC recorder. June 2021 Volume XXXIX, No. 2. ISSN 1022-6303. <https://www.icac.org>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида". ПФ-4947-сон, 7 феврал 2017 йил. <https://lex.uz/docs/3107036>

чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3408 сонли, 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр махсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4453 сонли, 2019 йил 12 февралдаги “Тўқимачилик ва тикувчилик саноати соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4186 сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда пахта хомашёси ва махсулотларини пневмотранспорт ёрдамида ташишнинг фундаментал, назарий ва амалий масалалари ҳамда методологик асосларини яратиш бўйича Б.А.Левкович, Р.Г.Махкамов, Х.А.Рахматуллин, Х.А.Зияев, Р.Амиров, С.Болтабоев, П.Байдюк, Б.М.Мардонов, С.Саидахмедов, С.Қодирхўжаев, Х.Ахмедходжаев, Р.Мурадов, М.Хожиев, У.Х.Азизходжаев, Р.Файзиев, А.Давидов, Н.А.Ортиқов, С.А.Самандаров, А.Бурханов, А.А.Исмоилов, Р.Азбадалов, Й.Янгибоев, З.О.Шодиев, Т.О.Шамсутдинов, О.Ш.Саримсақов, О.Маматқулов, М.Салоҳиддинова, С.Хусанов ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган ва натижада, пахтани пневмотранспортда ташиш ва уни ҳаводан ажратиш жараёнлари назарияси ва техника-технологияси муайян даражада ривожланди. Шунга қарамай, пахтани тўрли юзадан ажратиб олишда тола ва чигит дастлабки сифат кўрсаткичларининг пасайиши, уни ташувчи ҳаво таркибида чиқиб кетиши ва нобуд бўлиши ҳамда пахта сепаратори аэродинамик қаршилигининг юқорилиги ҳисобига энергетик харажатларнинг ошиб кетиши каби муаммолар сабаблари атрофлича очиб берилмаган ва бу камчиликларни бартараф этувчи техникавий ечимлар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, сидиргичнинг тўрли сирт юзасидаги пахтани тўлиқ ажратиб ололмаслиги натижасида сепараторда тикилишлар содир бўлади. Юқоридагиларга кўра, сепарация жараёнини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш орқали пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва сепаратор аэродинамик қаршилигини камайтириш орқали жараён энергия сарфини камайтириш ҳамда пневмоускуна фаолият радиусини ошириш масалалари ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф4-005 рақамли

“Пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма элементлари билан пахтанинг ўзаро таъсирланишини ифодаловчи қонуниятларини ўрганиш ва математик моделлаштириш” мавзусидаги фундаментал (2012-2015 йй.) ва БА-А3-010 рақамли “Пахта хомашёси пневмотранспорти самарадорлигини оширишнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий (2016-2017) лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сепаратор ишчи органлари конструкциясини такомиллаштириш орқали пахта маҳсулотлари дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва иш унумдорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

Сепаратор ишчи камерасига спираль шаклидаги тўрли юза ва қия сидиргич ўрнатиш ҳамда уларни ҳаво оқимидан пахтани ажратиб олиш жараёни самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида сепаратор ишчи камераси деворларига ва тўрли юзага пахтанинг бир хилда ёпишиш жараёни таъминлаш орқали тозалаш самарадорлигини ошириш;

сепаратор ишчи камерасида пахта бўлакчалари ҳаракати ва пахтани сепарациялаш жараёнини янада чуқур тадқиқ қилиш;

тадқиқот натижаларини пахтани дастлабки ишлаш технологиясида ўрнатилган сепараторда синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта тозалаш корхоналарида пахтани пневмотранспортда ташиш жараёни ва уни ҳаво оқимидан ажратиб олишда қўлланиладиган сепаратор қурилмаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пахта сепаратори конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, пахтани ҳаводан ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотларда олий математика, назарий ва амалий механика усул ва воситаларидан, экспериментал тадқиқотларда замонавий ўлчаш асбоблари, математик статистика, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёнида унга таъсир қилувчи кучларнинг сепаратор тўрли сирти конструкциясига боғлиқлигидан келиб чиқиб, уни ўзгартириш орқали пахтани ҳаводан механик шикаст етказмай ажратиш мумкинлиги исботланган;

сепараторнинг ишчи камерасида тўрли сиртга ёпишган пахтанинг сидиргич таъсирида тўрли сирт юзасидаги ҳаракати траекториясидан келиб чиқиб, тўрли сиртнинг радиал стерженларга спираль шаклида ўралган симдан таркиб топган конструкцияси ишлаб чиқилган;

сепараторнинг ишчи камерасида пахтанинг сидиргич ишчи юзаси бўйлаб ҳаракати траекториясидан келиб чиқиб, сидиргичнинг тўрли сирт текислигига нисбатан қия жойлашган конструкцияси ишлаб чиқилган;

сепараторнинг ишчи камерасида ҳаво параметрларининг тўрли сирт юзаси бўйлаб тақсимланишини амалий ўрганиш натижасида ҳаво босими ва тезлиги тўрли сиртнинг сўрувчи қувур томонидаги нуқтасидан бошлаб ишчи камера орқа девори томон чизикли равишда камайиб бориши аниқланган;

сепараторнинг пахтани ҳаводан ажратиш жараёни амалий ўрганиш натижасида, пневмотранспорт ускунаси таъсир радиусининг сепаратор тўрли сирти фойдали юзаси катталигига боғлиқлиги ва спираль шаклидаги тўрли юзанинг ўрнатилиши ускуна таъсир радиусини кескин ошириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сепараторнинг пахтани ҳаводан ажратишда юқори пахта дастлабки сифат кўрсаткичларининг сақланишини таъминлайдиган спираль шаклидаги тўрли сирт конструкцияси ишлаб чиқилган, параметрлари ва ишлаш режимлари асосланган;

сепаратор тўрли сиртидан пахтани юмшоқ режимда ажратиб оладиган, ишчи юзаси тўрли сирт текислигига нисбатан қия жойлашган сидирғич конструкцияси ишлаб чиқилган ва параметрлари аниқланган;

пахтани ҳаво оқимидан ажратиб олишда сепарация жуфтлигининг ускуна аэродинамик қаршилигини камайтириш ва фаолият радиусини оширишни таъминловчи параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган сепараторнинг ишчи органларини ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд сепараторлар кўрсаткичларига солиштириш натижалари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сепаратор камерасида пахта ва ҳаво ҳаракати, пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёни математик моделларининг пахтани сепарацияси назарий асосларини муайян даражада ривожлантириш ва бойитишга хизмат қилиши изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминловчи конструкцияси ҳамда пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида ҳосил бўладиган тиқилишлар ва уларни бартараф этиш усулларининг ишлаб чиқилгани, пахтани ҳаво оқимидан шикаст етказмасдан самарали ажратиб олиш ҳамда сепараторда тола йўқолишини камайитишга эришилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтани ташувчи ҳаводан ажратиб берувчи сепаратор ишчи органларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

пахтани ҳаводан ажратувчи сепаратор қурилмаси «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, “Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2021 йил 14 июлрдаги №ФТ18/1477-сонли маълумотномаси). Натижада пахта толаси таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 1,2%га камайитишга эришилган;

пахтани ҳаводан ажратувчи сепаратор ишчи органлари рационал параметрлари “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан,



“Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2021 йил 14-июлдаги №ФТ18/1477-сонли маълумотномаси). Натижада, жараёнда толанинг йўқолиши пахтанинг I-II навларида 0,20 кг/с гача ҳамда III-IV-V навларда эса 2,0 кг/с гача камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 5 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро, 3 та Республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 7та мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ихтиро ва фойдали моделга патент олиш учун 2 та талабнома топширилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Пневмотранспортда ташилаётган пахтани ҳаводан ажратиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар шарҳи” деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш жараёнида пахтани ҳаводан ажратиб берувчи техника ва технологиялар чуқур ўрганилган. Шунингдек, Республикаимизнинг бир қатор олимлари томонидан сепаратор машинасини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлари таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда пахта хомашёси ва махсулотларини пневмотранспорт ёрдамида ташишнинг фундаментал, назарий ва амалий масалалари ҳамда методологик асосларини яратиш бўйича Б.А.Левкович, Р.Г.Махкамов, Х.А.Рахматуллин, Х.А.Зияев, Р.Амиров, С.Болтабоев, С.А.Самандаров, П.Байдюк, Б.М.Мардонов, С.Саидахмедов, С.Қодирхўжаев, Х.Ахмедходжаев, Р.Мурадов, М.Хожиев, У.Х.Азизходжаев, Р.Файзиев, А.Давидов, Н.А.Ортиқов, А.Бурханов, А.А.Исмоилов, Р.Азбадалов З.О.Шодиев, Й.Янгибоев, Т.О.Шамсутдинов, О.Ш.Саримсақов, О.Маматкулов, С.Хусанов,


М.Салохиддинова ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган ва натижада, пахтани пневмотранспортда ташиш ва уни ҳаводан ажратиш жараёнлари назарияси ва техника-технологияси муайян даражада ривожланди. Шунга қарамай, пахтани тўрли юзадан ажратиш олишда тола ва чигит дастлабки сифат кўрсаткичларининг пасайиши, уни ташувчи ҳаво таркибида чиқиб кетиши ва нобуд бўлиши ҳамда пахта сепаратори аэродинамик қаршилигининг юқорилиги ҳисобига энергетик харажатларнинг ошиб кетиши каби муаммолар сабаблари атрофлича очиб берилмаган ва бу камчиликларни бартараф этувчи техникавий ечимлар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, сидиргичнинг тўрли сирт юзасидаги пахтани тўлиқ ажратиш ололмаслиги натижасида сепараторда тикилишлар содир бўлади. Юқоридагиларга кўра, сепарация жараёни янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш орқали пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва сепаратор аэродинамик қаршилигини камайтириш орқали жараён энергия сарфини камайтириш ҳамда пневмоускуна фаолият радиусини ошириш масалалари ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг “Пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёнининг назарий асослари” деб номланган иккинчи бобига кўра Иш жараёнида сепараторнинг ишчи камерасига пахта ҳаво оқими билан кириб келади. Асосий қисми сепараторнинг ишчи камерасида тўғри ҳаракатланиб, унинг деворларига урилади, ўз оғирлиги таъсирида вакуум-клапанга келиб тушади. Қолган қисми тўрли сиртга урилади. Доира шаклдаги тўрли сиртлар сепаратор ишчи камераси ён томонларига ҳаво оқими йўлига ўрнатилган. Пахтанинг маълум бир қисми бу юзаларга ёпишиб қолади. Тўрли юзадан пахтани эластик сидиргич ёрдамида ажратиш олинади.

Тўрли сиртдан пахта бўлакчасини ажратиш олиш пахтанинг сидиргич юзаси бўйлаб радиал ҳаракатининг юзага келиши сабабли амалга ошади. Маълумки, ҳаво оқими пахта бўлакларини тўр юзасига  $P_x$  куч билан сиқиб туради. Айни шу вақтда ушбу бўлакларни тўрли сиртдан ажратиш олиш учун сидиргич томонидан  $N_c$  бўйлама куч ҳосил қилинади.

Шундай қилиб, пахта бўлаклари тўрли юзада  $N_c$  ва  $P_x$  кучлар таъсирида бўлади. Сидиргич томонидан ҳосил қилинадиган  $N_c$  кучнинг миқдори валга яқинлашган сари камайиб боради. Сидиргичнинг вал билан уланган жойида у минимал қийматга эга бўлади. Бу эса пахтани тўрли юзадан ажратиш олишга етарли эмас. Узатиш пайтида сепараторда тез-тез пахтанинг тўрли юзада тўсилиб қолиш ҳоллари кузатилди. Бу ҳолат босимнинг камайишига ва кейинчалик сепараторда пахтанинг тикилиш ҳоллари юз беришига сабаб бўлади. Пахтани сепараторнинг тўрли юзасидан сидиргич ёрдамида ажратиш олиш пайтида вал атрофида хомашё ўрами пайдо бўлади. У секин-аста катталашиб бориб, оқибатда бутун юзани тўсиб қўяди. Бунинг оқибатида тўрли юзани қўл билан тозалашга тўғри келади. Назарий таҳлиллар натижасида пахта ўрамининг ҳосил бўлиши сабабларини аниқлаш имкони пайдо бўлди ва уни йўқотиш борасида аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Пахта бўлагини сепараторнинг тўрли сирти бўйича бир хил бурчак тезликда айланувчи материал нуқта деб оламиз (1-расм).



1-расм. Сепараторнинг доира шаклидаги тўрли сиртида жойлашган пахта бўлагига таъсир қилаётган кучлар схемаси.

1-пахта бўлакчаси, 2-сидирғич, 3-тўрли сирт,  $R_1$ -сидирғич валининг радиуси,  $R_2$ -доира шаклидаги тўрли сиртнинг радиуси,  $N_c$ -сидирғичнинг уриладиган кучи,  $F_{ишк}$ - ишқаланиш кучи,  $F_m$ -марказдан қочма куч,  $m$ -пахта бўлагининг массаси,  $q$ -эркин тушиш тезланиши,  $\omega$ -сидирғичнинг бурчак тезлиги,  $t$ -вақт,  $r$ -пахта бўлакчасининг жойлашиш нуқтасидаги бошланғич радиуси.

Пахта бўлакчасининг қутб координаталар системасидаги ҳаракати тенгламаси куйидагича кўринишда бўлади:


$$mr^2\ddot{\phi} = rN - fP_x \frac{r^2\dot{\phi}}{\sqrt{r^2+r^2\dot{\phi}^2}} - mg \cdot r \cos\phi \quad (1)$$

(2.31) тенгламадан  $\phi=0$  да сидирғичнинг пахтага урилиш кучи  $N$  ни, аниқлаймиз:

$$N = mg \cos(\omega t + \phi) f_1 P_x \frac{r\omega}{\sqrt{r^2+r^2\dot{\phi}^2}} \geq 0 \quad (2)$$

(2) дифференциал тенгламани компьютерда Рунге-Кутта усулида,  $t=0$  бўлганда  $r=r_0$ ;  $\dot{\phi}=0$  бўладиган шартларда интеграллаб, сидирғичнинг бир хил бурчак тезлигида тўрли сирт бўйлаб пахта бўлакчаси билан бирга ҳаракатини ифодаловчи траекторияларини оламиз (2-расм):

$$mr = r^2 m \ddot{\phi} - mg(\sin\phi + f \cos\phi) - f_1 P_x \frac{\dot{r} + fr\dot{\phi}}{\sqrt{\dot{r}^2 + r^2\dot{\phi}^2}} \quad (3)$$




2-расм. Сидиргичнинг тўрли юза бўйлаб ҳаракатини ифодаловчи траекторияси (ҳар хил радиусда, 8 та нуқтада).

2-расмга кўра сидиргичнинг доимий бурчак тезлигида  $r_0$  ва  $\varphi_0$  нинг турли қийматларида пахта бўлакчаси билан бирга ҳаракатини ифодаловчи траекторияси тасвирланган. Бундан ташқари схема таҳлилидан қуйидагилар аниқланди: ҳар бир эгри чизик  $t=t_0$  да сидиргич томонидан таъсир қилувчи куч  $N$  нолга тенглашади. Бу нуқталарнинг геометрик жойлашиши  $B$  эгри чизигини ҳосил қилади. Бу эгри чизик орқали пахта бўлаги бир вақтнинг ўзида радиал ва уринма йўналишларда ҳаракат ҳосил қилади. Бу (2) тенглама орқали ифодаланади. Буларни интеграллаш урилиш кучи нолга тенг вақтда, (3) тенглама ҳам  $r$  нинг барча қийматлари учун  $\varphi=180$  ва  $P_x=0$  қўшимча шартда интегралланади. Пахта бўлагининг траекторияси ва эгрилиги пунктир чизиклар ёрдамида кўрсатилган.

Эгри чизикларнинг солиштирма таҳлили шуни кўрсатадики, тўр юзасидаги босим нолга тенг бўлган қисмида пахтанинг тўла ажралиши таъминланиши мумкин ва тўрли юзада пахта тиқилиб қолиши олди олинади. Шунингдек, бу траектория чизиклари шуни кўрсатадики, агар, тўрли сиртда шу траекторияларга мос ўйиқлар ҳосил қилинса, уларнинг ҳаракатига қаршилик кескин пасаяди. Шу нуқтаи-назардан, сепаратор тўрли сиртини пўлат сим ёки тасмадан марказдан радиал йўналишда кенгайиб борувчи спирал шаклида шакллантириш ғояси туғилди ва шунга асосланган техникавий ечим ишлаб чиқилди.

3-расмда ушбу техникавий ечим асосида ишлаб чиқилган спираль шаклидаги тўрли сиртга эга бўлган сепаратор схемаси келтирилган.

Сепараторга пахта кириш қувури<sup>1</sup> орқали киради. Цилиндрсимонажратиш камераси 2 нинг икки ён томонида крестовина 3 га маҳкамланган тўрли сиртлар 4 бўлиб, улар спирал шаклида ўралган пўлат сим ёки тасмадан ҳосил қилган ва 5-валга тангенциал равишда ўрнатилган. Тўрли сирт ортида ҳаво камераси бўлиб, у сўрувчи қувур 7 уланган. Тўрни пахтадан тозаловчи сидиргич 6 вал билан қўшилиб, айланиш имкониятига эга бўлиб, у айланиш йўналишида узунлиги ва кўндаланг кесими бўйлаб спирал кўринишида эгилган.



3-расм. Спираль шаклидаги тўрли сиртга эга бўлган сепаратор.  
 1-кирувчи қувур, 2-ишчи камера, 3-крестовина, 4-тўрли сирт, 5-вал, 6-сидиргич, 7-хаво қувури, 8-вакуум-клапан.

Сидирич 6 ўзгарувчан кенгликда ва тўрли сирт атрофига қараб ортиб борувчи эгрилик радиуси билан ясалган.

Шунингдек, сепараторнинг паст томонида қанотли барабан 8 (вакуум клапан) ўрнатилган бўлиб, у пахтани ишчи камерадан ташқарига чиқаришга хизмат қилади. 6 қирғични тайёрлаш штамплаш ёки қуйиш йўли билан амалга оширилади, сўнгра унинг ёйсимон эгилган юзасига эластик материал ўрнатилиши мумкин. Тўрли сиртини думалоқ диаметри  $d = 3-4$  мм бўлган симдан ёки ишчи томони силлиқланган тасмадан тайёрлаш мумкин.

Бунда, тўрли дискни тайёрлаш осон, аммо унинг мустаҳкамлиги пастрок бўлади ва мустаҳкамликни таъминлаш учун дискка унинг орқа томонидан кўшимча равишда радиал стерженлар пайвандлаш керак бўлади. Шунда, дискнинг ишончли ишлашига эришилади. Тўрли сиртни диаметри катта бўлган симдан тайёрлаш ҳам мумкин, аммо бунда унинг фойдали юзаси камаяди.

Пўлат тасмани ишлатганда дискнинг фойдали қисмини янада ошириш мумкин, чунки бу ҳолда стержень кесимининг кенглигини камайтириш мумкин, фойдали қисм эса баландлигини ошириб, оралиқ масофани ушлаб туради, тасма кесимининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун крестовина стержени юзасида ўйиқлар ҳосил қилинади ва тасма ёки сим шу ўйиққа киритилиб, сирт юзасининг силлиқлигини бузмасдан пайванд қилинади. Ўйиқлар крестовина 3 га сим ёки тасманинг мустаҳкам ўрнашига ёрдам

беради. Тасманинг ишчи томони пахтани илмаслиги этиш учун тасма кенглигининг ярмига тенг радиус остида ўткир қирралари юмалоқланади (ёки тўмтоқлаштирилади).


Сепаратор қуйидагича ишлайди:

Хом пахта кириш трубкаси 1 орқали камерага 2 кириб боради ва унинг бир қисми ҳавонинг тортиш кучи туфайли тўрга ёпишади. Пахтанинг асосий қисми эса инерция билан камеранинг орқа деворига урилиб, ўзининг мувозанатини йўқотади ва пастга вакуум-клапанга тушади. Вакуум-клапан айланма ҳаракат қилади ва унинг қанотлари орасидаги пахта у билан айланиб паст томонга ўтади ва оғирлик кучи таъсирида сепаратордан чиқади. Тўрли сиртдан материал айланувчи қирғич 6 билан тозаланади ва марказдан қочма кучлар таъсирида, тушириш мосламаси- вакуум-клапанга 8 йўналтирилади, пахта хом ашёсининг асосий қисми билан бирга ишчи камерадан ташқарига чиқади.

Спирал шаклида сим ёки тасмани текис сирт ҳосил қилиб ўраш орқали тўрли сирт ҳосил қилиш, мавжуд тўрли дискка нисбатан фойдали юзани 1,5-2 баравар оширишга имкон беради. Тўр сиртининг силлиқлиги таъминланади ва уни тозалаш учун хизмат қиладиган сидиргич ҳам бўйламаси ва кўндаланг кесими бўйича ёй шаклида эгилган, кенлиги ва радиуси ортиб борувчи спирал кўринишида тайёрланиши тўрли сиртни тозалаш жараёни самарадорлигини оширишни таъминлайди. пировардида сепарация жараёни самарадорлиги ошади, шу билан бирга толанинг йўқолиши ва чигит шикастланишини камайтиради, сепараторнинг пахта билан тиқилиши бартараф қилинади, унинг ишончлилиги таъминланади, сепараторнинг аэродинамик қаршилиги пасаяди.

Пахта бўлакчаларини имкон даражасида тезроқ тўрли юзадан ажратиб олишни таъминлаш борасида олиб борилган изланишларда сидиргич шаклини эгри қилиб (4-расм) тайёрлаш таклиф қилинди.

Ишлаб чиқилган тавсияни назарий жиҳатдан асослаш учун эгри профилга эга бўлган сидиргич ёрдамида тўрли сиртни пахтадан тозалаш жараёнини ўрганамиз.



1-эгри сидиргич; 2-тўрли юза; 3-вал.


**4-расм. Пахта бўлакчасини тўрли сиртдан ажратиб олиш жараёнида унинг эгри сидиргичи бўйлаб ҳаракатини ўрганиш схемаси.**

Бу ҳол учун пахта бўлакчаси ҳаракат дифференциал тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} & \phi' [r_1 \ddot{\phi} + r_1 \dot{\phi} (\dot{\phi} + \omega)^2] + r_1 \dot{\phi}^2 (\dot{\phi} + \omega) \phi'' = \\ & g [\cos(\phi + \omega t) - f \sin(\phi + \omega t) - f \sin(\phi + \omega t)] r_1 \sqrt{(\dot{\phi}^2 + \dot{\phi}^2 (\dot{\phi} + \omega)^2) -} \\ & \quad - \frac{r^2 f m [\dot{\phi}^2 + \dot{\phi}^2 (\dot{\phi} + \omega)^2]^{\frac{3}{2}} (1 + 2\dot{\phi}^2)}{(1 + \dot{\phi}^2)^{\frac{3}{2}}} - \\ & - 2mf\omega\phi r_0^2 \sqrt{1 + \dot{\phi}^2} \sqrt{\dot{\phi}^2 + \dot{\phi}^2 (\dot{\phi} + \omega)^2}^{-2} \end{aligned} \quad (4)$$

Олинган тенгламада пахта бўлакчасининг эгри сидиргич бўйлаб ҳаракатини ифодалаймиз. Уни аналитик усулда ечиб бўлмайди. Шунинг учун уни  $t=0$ ;  $r=r_0=0,16$  м (сидиргич ўраган гардиш радиуси) бошлангич шартлар билан сонли Рунг-Кутта усулида ЭХМда интегралланади. Бунда ишқаланиш коэффициентини  $f=0,25$ , сидиргичнинг айланиш частотасини  $\omega=15,7$  рад/с, эркин тушиш тезлигини  $g=9,81$  м/с<sup>2</sup>, деб қабул қилинди.

Олинган натижалар график тарзида 5-расмда келтирилган. Унга кўра, янги конструкциядаги сидиргич бир хил бурчак тезлигида айланишига қарамай, мавжуд конструкциялардаги сидиргичларга нисбатан тўрли юзани тезроқ тозалаши аниқланди. Бунинг натижасида сепаратор ишлаганда тўрли юзадан самаралироқ фойдаланиш имкони яратилади. Бундай ҳолат меҳнат унумдорлигини оширишга ҳамда бир вақтнинг ўзида тўрдан ўтаётган ҳаво оқими тезлигининг камайишига олиб келади. Натижада ҳаво билан қўшилиб чиқиб кетиши мумкин бўлган тола миқдори камаяди.



**5-расм. Эгри сидиргич ёрдамида пахта бўлакчасини тўрли юзадан ажратиб олишдаги унинг траекторияси.**

Сидиргичнинг конструкциясини бу кўринишда тайёрлаш қийин, чунки, бу конструкция мураккаб ва уни машинасозлик корхоналари шароитидагина тайёрлаш мумкин. Шунинг учун, етарлича самара берадиган, конструкцияси нисбатан содда бўлган сидиргичларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. ундай сидиргичлардан бири тўрнинг радиал ўқиға нисбатан қия ўрнатиладиган сидиргичдир.

Сепаратор тўрли сиртидаги тўғри ва қия сидиргичлар бўйлаб ҳаракат траекториялари солиштириб кўрилганда сидиргични бурчак остида ўрнатилиши ижобий натижалар бериши аниқланади. Яъни, пахта тўрли сирт юзасидан сидиргич бир марта айланганда ажратиб олинади. Сидиргичнинг юқори иш унумига  $\alpha \geq 30^\circ$  бўлганда эришилади.  $\alpha = 15^\circ$  да диск марказидан 10-15 см узоқликда турган пахталар вақт ўтиши билан ўз жойидан силжимайди. Демак, марказдан қочма кучнинг миқдори пахтани мувозанатдан чиқариш учун бу ҳолда кам эканлигини кўрсатади.  $\alpha = 30^\circ$  бўлганда пахта пластинка сиртидан ҳаракатланади,  $\alpha \geq 45^\circ$  бўлганда пахтанинг марказдан қочиши ортади ва тикилиш ҳосил бўлади.

Сидиргичнинг бундай конструкцияси устида ўтказилган тадқиқотлар унинг қиялик бурчагини ўзгартириб кўриш кераклигини кўрсатди. Натижада, қиялик бурчаги  $\alpha = 30^\circ - 45^\circ$  бўлганда, қия сидиргичнинг бир маротаба айланишида 80% атрофида пахта тўрли юзадан ажратиб олинади.

Диссертациянинг “Пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёни экспериментал тадқиқотлари” деб номланган учинчи бобида, биз томонимиздан таклиф қилинаётган сепаратор қурилмаси конструкциясини аввал олиб борилган тадқиқотлар таҳлилига асосланиб, керакли иш унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди.

Қурилма устида тажрибалар ўтказиш учун қурилма конструктив жиҳатдан эҳтиёт қисмларини алмаштиришга ва ишчи параметрларини ўзгартириш имконияти бўлиши эътиборга олинди.

Таклиф этилаётган сепаратор қурилмасининг ишчи камерасига тўрли юзани спирал шаклида қўзғалмас қилиб жойлаштирилди. Ушбу конструкция ёрдамида пахта сепаратор ишчи камерасида пахтани ҳаво оқимидан ажратиш жараёни самарадорлигини ошириш ва пахта таркибидаги майда ифлосликларни тозалаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Шунингдек, анъанавий сидиргичлардан воз кечилиб, радиал ўққа ва тўрли сирт текислигига нисбатан қия ўрнатилгани сидиргич қурилмаси танланди, натижада пахта чигитини шикастланиш даражаси ва тола йўқолиш ҳолати кескин камайтириш режалаштирилди.


Бундан ташқари ушбу қурилмада тўрли юзага пахтанинг тикилиш ҳолати рўй бериши кузатилмайди. Чунки, қаршилиқ кучлари кам бўлгани учун пахта тўрли сиртдан амалдагига қараганда тезроқ чиқиб кетади.

Шунингдек, тўрли сирт фойдали юзаси ўлчамининг катталиги қурилма аэродинамик қаршилигини камайтиради ва пахтани тўрли сирт ортига тортувчи аэродинамик куч катталиги ҳам камаяди. Натижада, сепаратор ишчи камерасидаги босим ортиши пневмотранспорт тизимида босимнинг ортишига



олиб келади ва пневмотранспорт фаолият радиуси ошади, яъни у пахтани янада узокроқ масофадан таший оладиган бўлади.

Ушбу чизмада янги сепаратор қурилмаси сепарация қисмининг юқори ва ён томонларидан кўриниши тасвирланган. Қурилма бир неча ишчи органлардан ташкил топган бўлиб, унинг ишлаш принципи қуйидагичадир: сўрувчи қувур (5) орқали вентилятор тортаётган ҳаво оқими ҳаво камераси 1 да босим ҳосил қилади. Натижада, тўрли сирт тешикларидан ҳаво сўрилади. Бу ҳаво оқими тўрға ташланган ёки туширилган пахани ўзига илаштириб, тўрли сирт 4 ортига тортади. Вал 3 га ўрнатилган сидирғич 2, пахтани тўрли сиртдан ечиб олади ва ташқарига чиқаради.



**1-ҳаво камераси, 2-сидирғич, 3-вал, 4-тўрли юза, 5-ҳавони сўриш қувури  
6-расм. Экспериментал сепаратор қурилмаси схемаси ва спирал тўрли сирт  
умумий кўриниши (ўнгда).**

Тадқиқот ишимизда ўзгартириладиган параметрлар сепаратор сидирғичнинг тўрли сирт текислигига нисбатан оғиш бурчаги ( $X_1$ ), сидирғичнинг айланиш тезлиги ( $X_2$ ) ва тўрли сиртнинг симлар оралиқ масофаси ( $X_3$ ) бўлиб, қўйилган мақсадни амалга ошириш учун бу параметрларнинг рационал қийматларини аниқлаш лозим бўлади.

1-жадвал

### Кирувчи параметрлар қийматлари

№	Номи, ўлчов номи	Белгиланиши	Қиймат			$\Delta x$
			-1	0	+1	
1	Сидирғичнинг тўрли сирт текислигига нисбатан оғиш бурчаги, $\alpha^0$	$X_1$	15	37,5	60	22,5
2	Сидирғичнинг айланиш тезлиги, $m^{-1}$	$X_2$	60	105	150	45
3	Тўрли сиртда симлар оралиқ масофаси, мм	$X_3$	3	4.5	6	1.5

Кирувчи параметрларнинг куйи (-1) ва юқори (+1) қийматларини дастлабки экспериментларни амалга ошириш натижасида аниқлаймиз.


Чиқувчи параметр сифатида  $Y_1$  – чигитнинг шикастланиши, % ва  $Y_2$  – толадаги ифлослик ва нуқсонлар аралашмаси массавий улуши, % қабул қилинди.

Якуний регрессия тенгламалари қуйидаги кўринишга эга:


$$y_1 = 1.76 - 0.26x_1 + 0.3x_2 - 0.24x_3 - 0.14x_1 \cdot x_3$$

$$y_2 = 2.40 - 0.13x_1 + 0.12x_2 + 0.07x_3$$

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сепаратор орқали ҳаво таркибида чиқиб кетадиган толали материал миқдорига сирт сим қаторлари орасидаги масофа ва сидиргич айланишлар сони салбий таъсир кўрсати. Бунда биринчига караганда иккинчи параметр таъсири камроқ.



**7-расм.** Чигит механик шикастланганлигининг сепаратор параметрларига боғланиши.



**8-расм.** Сепаратор параметрларининг толадаги ифлослик ва нуқсонлар аралашмаси массавий улушига таъсири.


Сидиргич қиялик бурчаги ижобий таъсир кўрсатиб, унинг таъсир даражаси бошқа параметрларникига нисбатан кучлироқ.

Ушбу параметрларда амалга оширилган текширув тажрибаларида чиқувчи параметрларнинг қуйидаги қийматларига эришилди.

$Y_1$  – сепараторда пахтани ҳаводан ажратиш жараёнида чигитнинг шикастланиш миқдори 0.52 %

$Y_2$ -пахта толасидаги ифлослик ва нуқсонлар аралашмаси массавий улуши 1,07%.

Тадқиқотларни янада ойдинлаштириш мақсадида тенгламани сонли ечимини ЭХМ да Excel дастурида ечилиб, параметрларни боғлиқлик графиклари олинди (9,10,11-расмлар).




9 – расм. Тўрли юзадаги сим қаторлари орасидаги масофанинг чигит механик шикастланишига таъсири графиги.


Олинган регрессия тенгламаси уч ўлчамли бўлганлиги учун тахлил қилишда кирувчи омилларни ўртача холини орқали ифодалаб ( $X_i=0$ ) учта тенглама ҳосил қиламиз ва уни графикги ёрдамида хулосалар оламиз.

Кирувчи омиллардан тўрли юзадаги сим қаторлари орасидаги масофа ўртача ҳолат, деб қабул қилинганда, янги регрессия тенгламасини ҳосил қиламиз ва графикги куйидаги кўринишда ҳосил қиламиз.

Диссертациянинг **“Янги пахта сепараторининг ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида янги сепараторни ишлаб чиқариш жараёнига ўрнатиш ва синов ишлари натижалари келтирилган.



10 – расм. Сидиргич тезлигининг чигит механик шикастланишига таъсири графиги.



11 – расм. Тўрли юзадаги сим қаторлари орасидаги масофанинг толадаги нуқсонлар миқдорига таъсири графиги.

Ишлаб чиқариш синовлари Наманган вилояти Косонсой пахта тозалаш корхонасида 2020 -2021 йил пахта мавсумида тайёрланган пахта хомашёси билан ўтказилди. Синов ишлари янги сепараторни пневмотранспорт қурилмаси тажрибага ўрнатилган ҳолда олиб борилди ва натижалар олинди. Дастлабки синовлар вақтида такомиллаштирилган қурилма ишлашида ҳеч қандай тўхталишлар бўлмади, ҳар бир тажриба вақтида соатига 15 тонна иш унумдорлиги билан ишлади, қурилмада тикилиб тўхталиб қолиш ҳолатлари содир бўлмади. Қурилмани ишлаб чиқариш шароитида синаш ишлаб чиқилган методика асосида амалга оширилди. Тажрибалар С-6524 ва Наманган-77 селекция навларида биринчи ва иккинчи саноат нав пахта хомашёсида, 8-16 % намликда олиб борилди.

Янги сепараторни ишлаб чиқаришга жорий қилиш оқали олинган маълумотларга кўра қурилмадан кейин пахтадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори 1,2% га камаяди. Янги сепаратордан кейин толанинг йўқолиш миқдори юқори навли пахтада 0.20 кг/с, паст навли пахталарда 2.0 кг/с ни ташкил этиши аниқланди. Янги сепараторни корхонага жорий қилишдан олинган иқтисодий самарадорлик йилига 11 000 тонна пахтани қайта ишлайдиган “Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонаси мисолида 138388 минг сўмни ташкил этади.

## УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Пневмотранспорт тизими ва унинг асосий элементи бўлган сепаратор қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Пахтани ташувчи ҳаводан ажратиш жараёнида унга таъсир қилувчи кучларнинг сепаратор тўрли сирти конструкциясига боғлиқлиги ва уни ўзгартириш орқали пахтани ҳаводан механик шикаст етказмай ажратиш мумкинлиги асосланган;

2. Сепараторнинг ишчи камерасида тўрли сиртга ёпишган пахтанинг сидиргич таъсирида тўрли сирт юзасида спирал шаклида ҳаракатланиши аниқланган ва тўрли сиртни айнан шу шаклда ҳосил қилинса, пахтага кўрсатиладиган қаршилик минимал бўлиши мантиқан асосланди ва сиртнинг радиал стерженларга спираль шаклида ўралган симдан таркиб топган конструкцияси ишлаб чиқилган;

3. Сепараторнинг ишчи камерасида пахтанинг сидиргич ишчи юзаси бўйлаб ҳаракати давомида пахтада нуқсонлар юзага келиши сабабларини ўрганиш ва уни бартараф қилиш бўйича қилинган таҳлиллар натижасида сидиргичнинг тўрли сирт текислигига нисбатан қия жойлашган конструкцияси ишлаб чиқилган;

4. Сепараторнинг ишчи камерасида ҳаво параметрларининг тўрли сирт юзаси бўйлаб ўзгаришини амалий ўрганиш натижасида ҳаво босими тезлиги ва пахтани тўр ортига тортувчи аэродинамик кучнинг тўрли сиртнинг энг четки нуқтасидан сўрувчи қувур тарафидаги чегарасига томон чизиқли

равишда ортиб бориши ҳамда спирал шаклидаги тўрли сиртда амалдагига нисбатан ҳаво тезлиги ва аэродинамик кучнинг паст экани аниқланган;

5. Сепараторнинг пахтани ҳаводан ажратиш жараёнини амалий ўрганиш натижасида, пневмотранспорт ускунаси таъсир радиусининг сепаратор тўрли сирти фойдали юзаси катталигига боғлиқлиги ва спираль шаклидаги тўрли юзанинг ўрнатилиши ускуна таъсир радиусини 50 м га ошириши аниқланган;

6. Спиралсимон тўрли юза бўйлаб қия сидиргич таъсиридаги пахта бўлакчаси ҳаракатини ўрганиш натижасида пахтани тўрли сиртдан кучли динамик таъсирларсиз ажратиб олиш учун сидиргичнинг юқорига ҳаракати ҳавонинг сўриш кучи паст бўлган томонга, пастга ҳаракати эса сўриш кучи катта бўлган томонга мос келиши кераклиги аниқланган ва шунга асосан сидиргичнинг рационал айланиш йўналиши асослаб берилган;

7. Сепаратор ускунасининг ишлаб чиқариш намунаси “Наманган пахта текс” МЧЖга қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонасида тайёрланди ва ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилганда, олинган натижалар пахта чигити механик шикастланиши 1.6 %, толадаги нуқсонлар ва ифлослик миқдори 1,2 % га камайганини кўрсатган;

8. Такмиллашган сепараторни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали ўрта қувватли битта пахта тозалаш корхонаси маҳсулот бошланғич сифати сақланиши ҳисобига корхона бир йилда 138388 минг сўм, ёки чиқарилаётган 1 тонна тола ҳисобига 45522 сўм иқтисодий самарадорликка эришиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТУРСУНОВ ИБРОХИМЖОН ТУРГУНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАБОЧИХ ОРГАНОВ СЕПАРАТОРА С  
ЦЕЛЬЮ СОХРАНЕНИЯ ПЕРВОНАЧАЛЬНЫХ КАЧЕСТВЕННЫХ  
ПОКАЗАТЕЛЕЙ ХЛОПКА**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.PhD/T1348.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Саримсаков Олимжон Шарипжанович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Мадумаров Илхом Дадаханович  
доктор технических наук, профессор  
Махкамов Анваржон Махамадханович  
PhD, доцент

**Ведущая организация:** Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится « 25 » сентября. 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, 3-здание, 2-этаж Наманганского инженерно-технологического института, зал Научного совета, тел: (69)228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 410).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «25» сентября. 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №49\_ от « 25\_» сентября..2021 года).

**Р.Мурадов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**Х.Т. Бобожанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

**К.М. Холиков**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** На мировом рынке, в связи с мировым ростом спроса на природное сырье, в том числе, в хлопковую продукцию, получаемую в текстильной и легкой промышленности, спрос на натуральное сырье, в частности, на хлопковое волокно с каждым годом растет. Однако из-за различных экономических и экологических проблем, площади под хлопком и водные ресурсы постепенно сокращаются. В таких трудных условиях для производителей хлопкового волокна особую важность обретают вопросы интенсивного повышения урожайности хлопка, сокращение его потерь на каждом этапе производства, улучшение потребительских свойств и снижения себестоимости готовой продукции.

В мире ежегодно производится 23-24 млн тонн хлопкового волокна, его годовое потребление составляет 24,5-25,0 млн тонн, а дефицит волокна покрывается за счет запасов сырья<sup>1</sup>. В связи с этим, выращивание хлопка стало одним из самых перспективных секторов мирового сельского хозяйства. При этом, вопросы сохранения первоначальных качественных показателей не только при основном производстве, но и вторичных, вспомогательных процессах, таких как пневматическая транспортировка хлопка и его компонентов, а также его отделения от транспортирующего воздуха, поднялись до уровня вопросов, определяющих состояние и будущее хлопковой отрасли.

В нашей стране, проводятся в широкомасштабные реформы по производству широкого ассортимента высококачественной и низкой себестоимости продукции текстильной и легкой промышленности путем создания хлопково-текстильных кластеров и централизации производства продукции на основе глубокой переработки хлопка и выпуска в мировой рынок не сырья, а готовой к употреблению продукции. В этой связи, Президентом страны поставлены перед производственниками всех видов продукции задачи, имеющие особую важность «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение энерго- и ресурсоемкости экономики, повсеместное внедрение в производство энергосберегающих технологий»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач, важное значение приобретают вопросы изыскания путей сохранения первоначальных качественных показателей хлопка-сырца и снижения себестоимости хлопковой продукции на каждом этапе производства, в том числе, при пневматической транспортировке хлопка и его отделения от транспортирующего воздуха путем разработки высокоэффективной конструкции и обоснования параметров основных рабочих органов - сетчатой перегородки и скребка сепаратора хлопка.

Данное диссертационное исследование в определенной степени

---

